

**Қўқон давлат педагогика институтининг 2017/2018 ўқув йили
битирувчиларини ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича амалга
оширилган ишлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги “2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 58, 154-1, 19 ва 02/2658-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 августда 1506-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1011-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда 2017/2018 ўқув йилида институт битирувчиларини ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш мақсадида 2018 йил 4 январда “2017/2018 ўқув йилида институт битирувчиларини ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш тўғрисида”ги 5-сонли институт ректорининг буйруғи чиқарилди. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида институт битирувчиларини ишга тақсимлаш, жойлаштириш ва уларнинг бандлик мониторингини ўтказиш бўйича 2018 йил учун ойлар кесимида йиллик комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва чора-тадбирлар режасига асосан бир қатор ишлар амалга оширилди.

2017/2018 ўқув йилида институтни бакалаврият таълим йўналишлари бўйича битирувчилар сони **1246** нафар бўлиб, шундан **394** нафари давлат гранти асосида, **852** нафари тўлов-контракт асосида тугатган.

Институтда 2017/2018 ўқув йили битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича комиссия тузилган бўлиб, комиссия таркибига вилоят Халқ таълими бўлими бошқармаси бошлиғи, Вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи, институт проректорлари, факультет деканлари ва мутахассис тайёрловчи кафедра мудирлари киритилган.

2017/2018 ўқув йилида кундузги бўлимни тамомлаган битирувчи талабаларни таълим йўналишлари асосида вилоят, туман (шаҳар)лар кесимида тақсимланиб Фарғона вилоятининг “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 2018 йил 11 апрелдаги 28-сонида ҳудудлар кесимда тақсимланиши тўғрисида эълон берилди. Ушбу эълонга мувофиқ халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил

этиш бўлимлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ва болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан педагог кадрларга бўлган эҳтиёжлари қабул қилинган ва кўрсатилган эҳтиёжларига мувофиқ битирувчи талабалар ишга юборилди.

2017/2018 ўқув йили битирувчиларидан иш берувчи таълим муассаса, институт ва битирувчилар ўртасида уч томонлама “**Ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида**” шартномалар тузилган бўлиб, шартномага асосан барча битирувчилар ишга тақсимланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг **2017/2018** ўқув йилидаги битирувчиларини якуний бандлик (ишга жойлашиш) мониторингини ўтказиш тўғрисида”ги 960-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2018 йил 3 декабрда 709-сонли буйруғи чиқарилган.

Ушбу буйруқ ижроси ва 2017-2018 ўқув йили битирувчиларини ишга жойлаштириш мониторинг натижаларига кўра институтни давлат гранти бўйича **394** нафар битирувчилардан **252** нафари халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларга, **5** нафари ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасаларига ва **10** нафари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ишга жойлашган. **23** нафари магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. **96** нафари декрет ва бола парваришlash таътилида. **8** нафари ишга жойлашиш жараёнида.

Тўлов контракт асосида **852** нафар битирувчилардан **529** нафари халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларга, **11** ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасаларига, **2** нафари олий таълим тизимида ва **60** нафари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ишга жойлашган. **19** нафари магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. **194** нафари декрет ва бола парваришlash таътилида. **2** нафари республикадан ташқарига чиқиб кетган. **35** нафари ишга жойлашиш жараёнида.

Ректор

А.Эминов